




МИЛЛАТ ЭРКИНЛИГИГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

- ➔ Қорабоғ ўйлари
- ➔ Афғонистон энди “Бермуд учбурчаги” эмас
- ➔ Янги Наманган таассуротлари
- ➔ “Шлагбаунистон” энди йўқ!
- ➔ Тараққиётнинг бош мезони миллат эркинлигидир

Азизлар, ушбу мақоламда мен сизлар билан сўнги икки-уч ойда кўрган-кечирганларим билан ўртоқлашаман. Қизиқ бўлса ўқинг. Хусусан, Озарбайжондаги ўйларим, Наманганда кўрганларим, Афғонистон ҳақида билганларимни сизлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Янги сиёсий тартиб яратган давлат арбоби



Соҳибқирон қатъий ирода соҳиби бўлиши билан бирга, қарор қабул қилишда тажрибали амирлар, олимлар ва маслаҳатчилар фикрига таянган. Кенгаш қарорни заифлаштирувчи эмас, аксинча, унинг пухталиги ва ижросини таъминловчи институт бўлган.

Якдиллик, сўзда собитлик, сабр, хушёрлик, эҳтиёткорлик ва қатъият сиёсий қарорнинг ахлоқий ҳамда амалий асосини ташкил этган.

МИЛЛИЙ УРУҒЧИЛИК ВА ДАВЛАТ КАФОЛАТИ — ТЎКИНЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ


Соҳада амалга оширилаётган мана шундай кенг кўламли ислохотлар, молиявий рағбатлар ва уруғчиликни ривожлантириш йўлидаги ютуқларга қарамай, соҳанинг тўлиқ салоҳиятини юзага чиқаришга тўсқинлик қилаётган айрим тизимли камчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, юқорида белгиланган мақсадлар ва замонавий талаблар қуйи бўғиндаги ижро масъулларининг эскича иш услуби сабаб, барча ҳудудларда ҳам кутилган натижани бермаяпти.

Ўзбекистонлик олима
Халқаро Математика
Иттифоқи қўмитасига
сайланди

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Халқаро Математика Иттифоқи (ИМУ) Бош Ассамблеясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Хоразм Маъмун академияси бош илмий ходими, профессор Умида Балтаева ИМУнинг Ривожланиётган давлатлар қўмитаси (Committee for Developing Countries) аъзоллигига сайланди.



Муносабат



ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ҳар бир бунёдкорлик ишида халқнинг эртанги кунига бўлган ишонч, юрт тараққиётига бўлган интилиш мужассам бўлади. Айниқса, мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами арафасида бош-

ланган йирик лойиҳалар замирида ана шундай эзгу мақсад — инсон қадрини улуғлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва келажак авлодлар учун муносиб шароит яратиш ғояси бор.

Тошкент — Самарқанд йўналишидаги янги замонавий автомобиль йўли қурилишига старт берилгани ана шундай тарихий воқеалардан бири бўлди.



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ САМАРАСИ, ЭНГ АВВАЛО, ОДАМЛАР ҲАЁТИДА акс этиши керак!

Албатта, мамлакат тараққиётини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири – иқтисодиётнинг барқарор ўсиши. Бу ўсиш фақатгина рақамларда эмас, балки одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги иш ўринлари яратилиши, даромаднинг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланишида ўз аксини топиши керак. Бу борадаги ўзгаришлар қай даражада экани, келгусида нима вазифаларни бажариш лозимлиги давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир бор ойдинлашди.

Озода ПАРПИБОЕВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Худуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар билан бир қаторда мавжуд муаммолар ҳам танқидий руҳда таҳлил қилинди.

Иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши, инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши, экспорт кўрсаткичларининг янада яхшиланиши муҳим ютуқ. Президентимиз таъкидлаганидек, биринчи ярим йилликда мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсган. Инвестициялар 28 миллиард доллар ва экспорт 14,4 миллиард долларга етгани – тан олиш керак, катта натижа. “Fitch” ва “Moody’s” каби нуфузли агентликлар кредит рейтингимизни яхшилагани ҳам мамлакат иқтисодиётига бўлган ишонч мустақамланаётганидан далолат беради.

Аммо Президентимиз бу рақамларни яқини мақсад эмас, балки янада катта натижаларга эришиш учун пойдевор сифатида баҳолади. Энг муҳими, бу натижалар “қоғоздаги рақам” бўлиб қолмасдан, ҳар бир оила ва тadbirkorнинг кундалик ҳаётида сезилиши шарт.

Эндиликда раҳбарлар фақат ҳисобот бериш билан қифояланмайди. Ҳар бир вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари қўшимча ресурсларни топиши, тadbirkorликка имконият яратиши ва аниқ натижа кўрсатиши лозим.

Яна бир муҳим жиҳат – “маҳалла еттилиги” ишини янгича ташкил этиш ва “Moody’s” каби нуфузли агентликлар кредит рейтингимизни яхшилагани ҳам мамлакат иқтисодиётига бўлган ишонч мустақамланаётганидан далолат беради.

давлат бошқарувида муҳим бурилиш. Негаки, ислохотлар марказдан бошланиб, худудларда тўхтаб қолмаслиги, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир фуқаронинг хонадонига етиб бориши керак.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш фақат давлат идораларининг вазифаси эмас. Бу жараёнда тadbirkorлар, фермерлар, инвесторлар, банклар, таълим муассасалари ва бутун жамиятнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда банк тизимининг маҳалладаги фаолияти ҳам танқидий кўриб чиқилиб, кейинги уч ой банклар учун амалий синов даври этиб белгиланди.

Этиборли жиҳати шундаки, келгусида ҳар бир раҳбарнинг фаолияти амалий натижа билан баҳоланади. Корхоналарнинг очилиши, иш ўринларининг яратилиши, инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, экспорт ҳажми ошиши ва аҳоли даромадининг қай даражада ўсгани – ана шу саволлар ҳар бир раҳбарнинг кундалик фаолияти мезонига айланимолар.

Бундан ташқари, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш ва бюрократияни қисқартириш масаласига ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда. Тadbirkorни жазолаш ва маъмурий жарималар солиш эмас, балки унга кўмак бериш, бизнес юритишдаги ортиқча тўлов, йўғим ва тўсиқларни олиб ташлаш давр талабига айланимолар.

Ҳозирги кунда 51 та вазирлик ва идорада 322 та йўналишда молиявий жарима қўллаш ваколати борлиги, 2024-2026 йилларда қарийб 3 триллион сўмлик жарима қўлланилгани қайд этилди.

Президентимиз назорат қилувчи идоралар тadbirkorга аввал имконият бериши ва тўғри йўл кўрсатишни ўрганиши кераклигини таъкидлади. Ташқи бозорларда рақобат кучайиб бораётган бир пайтда экспортчилар учун тўлов, йўғим ва ортиқча харажатларни камайтириш давр талаби экани қайд қилинди. Бу борада вазирлик ва идораларга тегишли тақлифлар киритиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар қанча давом этишини ҳеч ким олдиндан айта олмаслигини таъкидлади. Асосий ҳамкор давлатларда иқтисодий фаоллик секинлашаётгани маҳаллий корхоналаримизга, айниқса, экспортчиларга таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли барча раҳбарлар ҳар қандай хатарни ҳисобга олган ҳолда ўз заҳираларини сафарбар қилишга тайёр бўлиши шартлиги таъкидланди.

Бундан кўриниб турибдики, танқидий таҳлил қилинган масалалар, берилган топшириқлар келгусида ҳар бир раҳбар учун йўл харитаси вазифасини ўтайди. Энг муҳими, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлашдир. Чунки олдимизда турган вазифаларнинг ижроси янги иш ўринларини яратади, оилалар даромадини оширади, маҳаллалар, туман, вилоят ва мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилилади. Бинобарин, иқтисодий ўсиш ва ислохотлар марказида, аввало, инсон ва унинг манфаатлари туради. Шу маънода бугунги глобал рақобат шароитида вақтни бой беришга ҳаққимиз йўқ.

Фракция йиғилиши

ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТИЗИМЛАШТИРИЛМОҚДА

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва юридик шахсларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари тизимлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.



Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ер муносабатларини замонавий талаблар асосида тартибга солиш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уларни ажратиш жараёнларида очиқлик ва рақамли механизмларни кенг жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси ана шу ислохотларнинг мантикий давоми бўлиб, ерга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқ ва тизимли тартибга солишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида чет эл фуқаролари, чет эл юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва мўлжалланмаган ер участкаларини ижарага бериш муносабатларини такомиллаштириш, ер ҳуқуқларини бекор қилиш тартибини янада аниқлаштиришга қаратилган қатор ҳуқуқий нормалар назарда тутилган.

Фракция аъзолари муҳокама жараёнида тақлиф этилаётган нормаларнинг амалиётда қўлланилиши, уларнинг ҳуқуқий аниқлиги ҳамда мулкдорлар, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг қонуний манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Фракция аъзоси **Гулнора Абдувоҳидованин** таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер муносабатларини янада тизимлаштириш, ҳуқуқий аниқликни таъминлаш, ижара муносабатларини такомиллаштириш ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш учун мустақам ҳуқуқий асос яратади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

“Адолат” қабулхонаси



Мурожаат ечим топди

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Энг муҳими, унинг амалий ечими фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустақамлайди.

Сўх тумани Янгиариқ маҳалласида яшовчи, камбағал оилалар рестрига киритилган Маҳфузахон Ҳотамова доимий даромад манбаига эга бўлиш мақсадида халқ депутатлари Сўх туман Кенгаши депутати Амиргали Сафаровга мурожаат қилди.

Мурожаат “Адолат” қабулхонаси орқали ўрганилиб, ҳоким ёрдамчисининг тавсияси асосида Камбағалликни қисқартириш давлат мақсади жамғармаси маблағлари ҳисобидан М.Ҳотамованинги ўғли Шохижон Саидкуловга қиймати 15 миллион сўмлик мотокултиватор олиб берилди. Шу орқали унинг бандлиги таъминланди.

– Ўғлим меҳнат қилиб, даромад топадиган бўлди. Бу амалий ёрдам учун “адолатчи”лардан миннатдорман, – дейди Маҳфузахон Ҳотамова қувонч билан.

ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

1 Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий кудрати ва транспорт-логистика салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти 3 карра ўсди. 2030 йилга бориб унинг ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу эса йўл-транспорт ва логистика инфратузилмасини иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига мувофиқ ривожлантиришни талаб этади.

Албатта, бу оддий йўл эмас. Бу – тараққиётга, янги имкониятларга ва юксак мақсадларга олиб борадиган йўл. Самарқандликлар учун ушбу лойиҳанинги аҳамияти алоҳида. Зеро, қадимий ва азим Самарқанд бугун нафақат ўзининг бой тарихи ва бетакрор обидалари билан, балки sanoati, тadbirkorлиги, қишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти билан ҳам мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Қайд этилганидек, сўнгги 10 йилда 78 триллион сўм ҳисобидан 128 минг километр йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Энди мамлакатимизда илк бор энг юқори тоифадаги замонавий автомагистраль барпо этилмоқда.

Қиймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган олти полосали йўлнинг умумий узунлиги 282 километрни ташкил этади. У Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги аҳолиси 2 миллиондан зиёд бўлган 13 та туман орқали ўтиб, худудлар учун янги имкониятлар яратади.

Лойиҳа доирасида 92 та кўприк, 28 та йўл ўтказгич, 60 та туннель типидagi ўтиш жойи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ер ости йўлаклар ва сув ўтказиш иншоотлари қурилади.

Йўл қопламаси оғир ва юқори тезликда ҳаракатланадиган транспорт воситалари қатновига чидамли монолит бетондан барпо этилади. Текис худудларда ҳаракат тезлиги соатига 150 километргача бўлиши кўзда тутилган.

Янги автомагистраль вилоятимиз учун янада кенг имкониятлар эшигини очади. Тошкентдан Самарқандгача бўлган масофанинги қисқариши аҳоли



Муҳиба САЙФИДДИНОВА,
халқ депутатлари
Самарқанд вилояти Кенгаши
депутати

учун қулайлик яратишга қолмай, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш, тadbirkorлик ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожига янги суръат беради. Замонавий хавфсизлик ечимлари, рақамли ва инновацион қулайликлар йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, бу йўл орқали инсонлар манзилга тезроқ етиб боради, маҳсулотлар бозорларга осонроқ чиқади, янги корхоналар ва иш ўринлари пайдо бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун бу соҳада том маънода янги давр бошланмоқда.

Демак, бу лойиҳа ҳар бир оила фаровонлигига дахлдор бўлган улкан ташаббус.

Депутат сифатида одамларнинг энг катта истаги – муносиб турмуш шароити, барқарор иш ўрни ва фарзандлари учун яхши келажақ эканини кўп кузатаман.

– Ушбу лойиҳа ишга тушганидан сўнг унинг афзаллигини ҳар бир юрдошимиз ўз ҳаётида, албатта, ҳис қилади, – деди давлатимиз раҳбари. Янги автомагистраль суткасига 60 мингдан 80 мингтагача транспорт воситасини ўтказиш имконига эга бўлади. Тирбандликсиз ва бир маромда ҳаракатланиш энергия сарфи, амортизация ва техник харажатларни камайтиради.

Ҳисоб-китобларга кўра, юк ташиш таннархи 19-24 фоизга пасаяди. Бу, айниқса, тез бузиладиган мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни бозорларга қисқа муддатда ва сифатли етказиш имкониятини кенгайтиради.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, бундай инфратузилма лойиҳаларига киритилган ҳар бир доллар иқтисодиётга 5 баробаргача самара келтиради. Янги йўл нафақат Тошкент ва Самарқанд, балки Сирдарё, Жиззах вилоятлари ялпи худудий маҳсулотининг 3 фоизга ўсишига туртки бериши кутулимолар.

Йўл бўйида логистика марказлари, омборлар, sanoat ва агросаноат корхоналари, савдо-сервис, меҳмонхона ва туризм объектлари барпо этилади. Бу янги иш ўринлари, хизматлар бозори ва маҳаллий бюджетлар учун қўшимча даромад манбаларини яратади.

Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қиладиган ҳар бир ташаббус биз учун қувончли ва аҳамиятли. Тошкент – Самарқанд янги автомобиль йўли мустақил Ўзбекистоннинг шиддатли тараққиёти, халқимизга бўлган эътибор ва келажаққа қаратилган ишончининг яна бир ёрқин ифодасидир. Бу йўл Самарқандни янги имкониятлар билан боғлайди. Бу йўл халқимизнинг орзу-умидларига, янги марраларга олиб борадиган тараққиёт йўли бўлади.

Биз уч минг йиллик тарихимизда ҳоқонлик, амирлик, хонлик, тоталитар ва авторитар тузумларнинг машаққатини, темир мушт сиёсатини кўрдик. Устоз шоир Шукрулло айтганларидек, **“Қурққан одам ҳар кун улади”**. Биз учун энг катта бойлик жамиятдаги қўруннинг йўқлиги, одамларнинг эркин нафас олишидир. **Жамият тараққиёти осмонўпар бинолар билан эмас, аввало, инсоннинг эркин фикрлаши, қўруқдан холи яшаши ва фуқаролик масъулияти билан белгиланади.** Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан ана



МИЛЛИЙ УРУҒЧИЛИК ВА

ДАВЛАТ КАФОЛАТИ — ТЎКИНЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Депутат минбари

Халқимиз тилида “иккинчи нон” деб улуғланувчи картошка — шунчаки рўзгор маҳсулоти эмас. У ижтимоий барқарорлик ва миллий озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий стратегик устунларидан биридир. Шу боис, мамлакатимизда ушбу соҳани ислоҳ қилиш, ҳосилдорликни ошириш ва импортга қарамликка барҳам бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Жумладан, сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш йўлида қўлаб ҳаракатлар амалга оширилди. Президентимизнинг “Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчиликни янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа истиқболлини белгилаб берган муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди. Мазкур ҳужжат билан 2030 йилга бориб ҳосилдорликни гектаридан ҳозирги 16–17 тоннадан 25–30 тоннагача ошириш, 2028 йилдан бошлаб эса йилгача камда 10 миллион дона маҳаллий минни-туганаклар етказиб беришни йўлга қўйиш вазифаси қўйилган.

Бундан ташқари, тижорат банклари орқали картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 12 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилиши, қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг ярми бюджетдан қўлаб берилиши тизими деҳқон учун ҳақиқий суянч бўлди. Натижада картошка еклиладиган майдонлар кенгайиб, анъанавий ҳудудлардан ташқари Тошкент, Жиззах, Наманган вилоятларининг тоғолди туманларига ҳам кириб борди.

Шу билан бирга, картошка етиштирувчиларга сугориш тадбирлари учун ўз баландлиги насос агрегатлари сарфлайдиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизи давлат бюджетидан қўлаб берилмоқда. 2030 йил 1 январга қадар картошка етиштирувчиларга ўз эҳтиёжлари учун хориждан олиб келинадиган картошка экиш ва йиғиштириш учун мўлжалланган техникалар божхона божидан озод қилинди.

Мазлумки, картошкачиликда юқори ҳосилдорликка эришиш ва деҳқон меҳнатининг самарадорлигини таъминлаш бевосита сифатли уруғ базасини яратиш билан боғлиқ. Шу боис, “in-vitro” лабораторияларида вирусдан холи мини-туганаклар етиштириш, алмашалаб экиш ва агротехник тадбирларни даврий мониторинг қилиш, шунингдек, 2026 йилдан бошлаб мажбурий тартибда экинбоплик ҳулосаси ва рақамли QR-кодли ёрликка эга бўлмаган уруғларни экишни тақиқлаш каби қатъий назорат тизимининг жорий этилиши соҳада ижобий самара бермоқда.

Сабаби, илмий асосланган бундай ёндашув ва давлат назорати на-

фақат маҳаллий уруғнинг нав тозаллигини қафолатлайди, балки деҳқонларимизни сифатсиз маҳсулот туфайли юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб, миллий картошкачилик секторини мутлақо янги, юқори технологияли босқичга олиб чиқади.

Соҳада амалга оширилаётган мана шундай кенг кўламли ислохотлар, молиявий рабатлар ва уруғчиликни ривожлантириш йўлидаги ютуқларга қарамай, соҳанинг тўлиқ салоҳиятини юзага чиқаришга тўқинлик қилаётган айрим тизимли камчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, юқорида белгиланган мақсадлар ва замонавий талаблар кўйи бўғиндаги ижро масъулларининг эскича иш услуби сабаб, барча ҳудудларда ҳам қўтилган натижани бермапти.

Шу билан бирга, ўзгариб бораётган иқлим шароитига мослашиш ва аҳолининг қўндалик эҳтиёжларини тўлиқ қондириш нуктаи назаридан қараганда, картошкачилик секторидида ҳали ўз ечимини кутаётган огрикли масалалар ва инфратузилмавий тўсиқлар соҳа ривожини янада жадаллаштириш учун комплекс ёндашувни тақозо этмоқда.

Энг биринчи заиф нуқталаримиздан бири бу — ҳамон Россия, Нидерландия ва Германия каби давлатларнинг уруғлик маҳсулотларига қарам бўлиб қолаётганимиз. Тўғри, юқорида айтиб ўтганимдек, элита уруғларни маҳаллийлаштириш бўйича лабораториялар ташкил этилди. Аммо уларнинг амалий қуввати умумий эҳтиёжнинг жуда кичик фоизини қоплайди, холос.

Айрим маҳаллий ижро ҳокимияти ва соҳа мутасаддиларининг бепарволиги сабаб лабораторияларни сананоат даражасига олиб чиқиш, маҳаллий уруғчиликни ривожлантириш ишлари фақат тақдиротларда қолиб кетмоқда. Оқибатда оддий деҳқон бозоридан ҳеч қандай сертификати бўлмаган, сифатсиз уруғни сотиб олишга мажбур. Бундай уруғни экиш, йўқотиш демакдир. Натижада ҳосилдорлик 30–40 фоизгача пасайиб кетмоқда.

Қолаверса, картошка намлик ва муътадил ҳароратни хуш кўрувчи экин. Глобал иссиқ даврида ёзда ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши экин ривожланишини тўхтатади. Бундай шароитда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳаёт-мамот масаласига айланиши керак. Афсуски,

сугориш тизимларининг эскирганлиги ва сув исрофгарчилиги ҳамон давом этмоқда. Идоралар ҳисоботларида кўрсатиладиган сув тежовчи технологияларнинг аксарияти далада эмас, қоғозда ишляпти.

Яна бир тизимли инқироз маҳсулотни сақлаш занжирида яққол кўринади. Юртимизда йиғилган баҳорги ва кузги ҳосилни сақлаш учун замонавий совуткичли омборхоналар сиғими етарли эмас. Ҳосилни даладан истеъмолчига етказгунча бўлган жараёндаги исрофгарчилик баъзи йилларда 20–25 фоизни ташкил этмоқда. Бу деҳқон меҳнати ва маблағи ҳавога совуриляпти, дегани.

Омборлар етишмағач, деҳқон ҳосилини кузда арзonga сотишга мажбур бўлади. Қиш ва баҳорга бориб эса бозорларимизда сунъий тақчиллик юзага келади, нархлар осмонга кўтарилади. Бундан эса фақат воситачилар ва импортёрлар фойда қўради, деҳқон ва оддий халқ эса зиён кўраверади. Маҳаллий ҳокимликлар эса ушбу логистика занжирини ташкил этишда ташаббуссизлик кўрсатмоқда.

Ҳар йили мавсум якунида аҳоли эҳтиёжларига етарли бўлган 4 миллион тонна ҳосил етиштирилгани ҳақида гапирамиз, лекин қиш ва баҳор ойларида бозорларимизни Покистон, Қозғоғистон ва Эрон картошкиси эгаллаб олади. Нархлар эса аҳоли ҳамёнига огирлик қиладиган даражада кўтарилади. Бу ҳолат тизимда узилиш борлигидан, назорат ва ижро механизми оқсатганидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси вакили сифатида вазиятни соғломлаштириш учун қуйидаги ташаббусларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман. Жумладан, хориж уруғига қарамликка чек қўйиш мақсадида маҳаллий лабораторияларни шунчаки “илмий

Дилрабо ХАЛБАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Айрим маҳаллий ижро ҳокимияти ва соҳа мутасаддиларининг бепарволиги сабаб лабораторияларни сананоат даражасига олиб чиқиш, маҳаллий уруғчиликни ривожлантириш ишлари фақат тақдиротларда қолиб кетмоқда. Оқибатда оддий деҳқон бозордан ҳеч қандай сертификати бўлмаган, сифатсиз уруғни сотиб олишга мажбур. Бу маҳсулотни экиш эса тайёр йўқотиш демакдир, ҳосилдорлик 30–40 фоизгача пасайиб кетмоқда.



марказ” эмас, ийрик ҳажмда сифатли уруғ етказиб берувчи фабрикаларга айлантириш, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунга давлат ички бозор барқарорлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун етиштирилган картошка маҳсулотини олдиндан белгиланган қафолатланган нархларда сотиб олишига оид нормани киритиш керак.

Шунингдек, ҳар бир картошкачиликка ихтисослашган туманда давлат-хусусий шериклик асосида ийрик совуткичли омборлар тармоғини қуриш зарур. Деҳқон маҳсулотини ушбу омборга топшириб, у ердан маҳсулот қийматининг бир қисmini олдиндан пул (бунак) қўринишида олиш тизимини йўлга қўйиш орқали воситачиларнинг бозорни монополия қилиб олишига барҳам бериш ҳамда деҳқоннинг ўз маҳсулотини ўз вақтида қафолатли сотишига, бозорларда нархларнинг сунъий кўтарилиши олдини олишга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, картошкачиликда ислохотлар шиддатини ҳисоботлар эмас, балки даладаги реал натижа белгилайди. Юртимизда ушбу истиқболан соҳани оёққа турғизиш учун етарлича сиёсий ирода ва зарур имтиёзлар яратиб берилаган. Эндиги вазифа қуйи бўғиндаги ижрочилар ва масъулларнинг масъулиятсизлигига чек қўйиб, илм билан далаани, деҳқон билан бозорни боғловчи занжирини маҳкамлашдан иборат. Зеро, ислохотлар қоғозда эмас, далада ўз мевасини бергандагина кўзланган натижага эришилади, халқимиз дастурхони тўкин, рўзгоримиз эса баракали бўлади.

Худудлардан хабарлар

ФРАКЦИЯДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИ ЎРНАТИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Аҳолини арзон ва барқарор энергия манбалари билан таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳақида кўп гапирилмоқда. Айниқса, маҳаллаларда кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панелларини ўрнатиш ҳолатини депутатлик назоратида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Сабаби, шу орқали мазкур дастур ижросини холис баҳолаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилаётганини таҳлил қилиш, субсидияларнинг ҳақиқатан эҳтиёжманд оилаларга етиб бориши ҳамда ўрнатилаётган қуёш панелларининг сифати ва самарадорлигини назорат қилиш мумкин. Бу эса давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.



Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги фракцияси навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Даставвал фракция раҳбари Яхшибике Абдулаева кун тартибига киритилган масаланинг долзарблиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда қайта тикланувчи энергия манбаларининг ўрнига тўхталиб ўтди.

“Маҳаллаларда кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панеллари ўрнатилиши ҳолати” муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан Маҳаллалар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси мутахассиси Даулетназар Курбаназаров маъруза қилди.

Субсидия дастурининг амалга оширилиши, хонадонларни танлаш мезонлари ҳамда бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, “Худудий электр тармоқлари” Энергосавдо филиали Қорақалпоғистон бўлини маси қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳисобини юритиш бўлими бошлиғи Мадияр Смайлов сўзга чиқди.

Ўрнатилаётган қуёш панеллари бўйича фуқаролар ва ҳудудий электр корхоналари ўртасида шартномалар тузиш тартиби, электр тармоқларига уланishi жараёнлари ҳамда амалдаги механизмлар юзасидан ахборот берди. Йиғилишда, шунингдек, Энергия самарадорлиги миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича лойиҳа офисидан масъул Азиз Медегено қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш юзасидан маъруза қилди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида дастур ижросини янада такомиллаштириш, давлат субсидияларининг манзиллиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли тавсия ва қарорлар қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

ДЕПУТАТЛАР МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ФАОЛ

Бугунги маҳалла — аҳоли кайфиятини акс эттирувчи, мамлакатдаги янгиланишлар ижроси, самараси сезилаётган биринчи макон. “Маҳалла еттиллиги” ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг асосий вазифаси одамларни қийнаётган муаммоларни жойида, тезкор ва амалий ҳал этишдан иборат.

Қарши шаҳридаги ўрганишлар шуни кўрсатдики, фуқароларнинг эътирозлари замирида ҳаётий зарур эҳтиёжлар — тоза атроф-муҳит ва барқарор даромад манбаи ётибди. Депутатлик назорати ва партия фаоллиги орқали маҳаллалардаги йиллар давомида тўпланиб қолган тизимли камчиликларга аниқ ечим топилаётган.

Партия фаоллари ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Акмал Ҳайитов “Геолог” ва “Шўртан” маҳаллаларида бўлишди. Ўрганишлар давомида маҳалла раислари ва “еттилик” фаолияти билан яқиндан танишиб, аҳоли билан мулоқот ўтказилди. Учрашувлар чоғида фуқаролар томонидан маиший чинқиндиларнинг ўз вақтида олиб етилимаслиги ҳамда доимий иш ўринлари кетишмаслиги асосий муаммо сифатида кўтарилди.

— Айниқса, жазирама иссиқ кунларда ажратилган махсус техникалар томонидан чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмагани сабабли кўчаларимизда санитария нормалари бузилмоқда, — дейди геологик Анвар Очиллов. — Бундан ташқари, муқим ишга жойлашиш масаласида ҳам муаммоларга дуч келяпти.


Депутат Акмал Ҳайитов ва партия фаоллари томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида фуқароларнинг мунозабатлари асосли экани маълум бўлди. Аниқланишича, Қарши шаҳридаги 60 та маҳалла чинқиндиларини ташвишга масъул “Экотранс” корхонасининг 26 та махсус техникасидан ҳозирда атиги 19 таси ишламоқда, қолган 7 таси носоз ҳолатда. Бу эса чинқиндиларнинг тўпланиб қолишига ва санитария ахволининг ёмонлашишига олиб келган.

Депутат Акмал Ҳайитовнинг ташаббуси ва Қарши шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорлиги натижасида ушбу муаммони қисқа муддатларда бартараф этиш ва носоз техникаларни қайта ишга тушириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам қатор амалий натижаларга эришилди. Масалан, депутат кўмаги билан 24 нафар фуқаро мавсумий ишларга жалб этилди, 13 нафар хотин-қиз тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига йўналтирилди, 12 нафар ёш касб-хунар ўргатувчи ўқув марказларига юборилди, 23 нафар фуқарога турли масалалар бўйича ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

ЯНГИ СИЁСИЙ ТАРТИБ ЯРАТГАН ДАВЛАТ АРБОБИ Сурат ва сийрат уйғунлиги



Монографиянинг энг муҳим фазилати шундаки, муаллиф Амир Темури фаолияти алоҳида юришлар, жанглар, ғалабалар ва тарихий саналар йиғиндиси сифатида эмас, балки муайян цивилизациявий мақсадга йўналтирилган улкан сиёсий лойиҳа сифатида талқин қилади.

Асарнинг кириш қисмида тарихни оддий воқеалар кетма-кетлиги сифатида ўрганиш етарли эмаслиги асосланган. Тарихий факт ташқи кўринишни ифодалайди, унинг ички мазмунини эса муайян даврнинг ижтимоий рухияти, халқ менталитети, сиёсий манфаатлари, қадриятлари ва шахс иродаси орқали очилади.

Муаллиф Ибн Халдуннинг тарихий ҳабарни текшириш, воқеаларнинг цивилизациявий табиатини аниглаш ва тарафқашликдан ҳоли бўлиш ҳақидаги қарашларига таяниб, Амир Темури феноменини мафкуравий қоллиплардан ташқарида ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Бу методологик ёндашув монографияни қуруқ баёнчилик, бирёклама мадҳиёбозлик ёки тарихий шахсни фақат қоралашга асосланган эски стереотиплардан сақлайди.

Асарнинг биринчи боби Амир Темури геосиёсий стратегиясига бағишланади. Муаллиф Турон давлатининг ташкил топишини Чингизий улусидаги сиёсий парокандалик, кўчманчи ва ўтrock маданиятлар ўртасидаги зиддият, қабилавий манфаатлар тўқнашуви ва ташқи босқинлар шароитида таҳлил қилади. Амир Темурининг тарих саҳнасига чиқиши тасодифий ҳодиса эмас, балки давлат ва жамиятнинг кучли сиёсий иродага бўлган эҳтиёжнинг ифодаси сифатида яққол кўрсатилади. Муаллиф талқинида Соҳибқирон ҳокимиятини шахсий шўхрат ёки манфаат учун эмас, пароканда мамлакатни бирлаштириш, халқни қарамликдан олиб чиқиш ва қадимий Турон давлатчилигини тиклаш мақсадида қўлга киритган тарихий шахс сифатида намоён бўлади.

Сарбадорлар ҳаракати бағишланган таҳлиллар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Муаллиф Самарқанд ва Хуросон сарбадорларининг ижтимоий таркиби, ғоявий манбалари, озолиқ ва адолат талаблари, сиёсий қуч сифатидаги имкониятлари ҳамда тарихий чекланган жиҳатларини қиёсий кўрсатади. Бу орқали Амир Темурининг халқ ҳаракатларига муносабати соддалаштирилган схемалар асосида эмас, балки давлатни марказлаштириш ва барқарор сиёсий тартиб ўрнатиш вазифалари билан боғлаб тушутирилади. Натижада Сарбадорлар воқеаси фақат қўзғолон ёки уни бостириш тарихи эмас, балки ўша даврда давлатчилиқнинг қайси йўналишда ривожланиши масаласи ҳал этилган муҳим сиёсий бурилиш сифатидаги аҳамияти очиб берилди.

Хоразм, Мўғулистон, Өлтин Ўрда, Хуросон, Эрон, Кавказ, Хиндистон, Сурия, Миср ва Усмонийлар давлати билан боғлиқ воқеалар китобда ягона геосиёсий мақсадлар занжирини сифатида ёритилган. Муаллиф ҳар бир юришининг олд шартлари, сиёсий сабаблари, савдо йўллари, давлат хавфсизлиги, чегаралар барқарорлиги, иттифоқчилик ва хиёнат омилиларини таҳлил қилади. Айниқса, Тўхтамиш билан муносабатлар таҳлилида Соҳибқироннинг дастлаб унга ҳомийлик қилгани, кейин эса Тўхтамиш хиёнатини туфайли икки давлат ўртасидаги тўқнашув муқаррар туш олгани ишонарли далиллар билан очиб берилган. Кондорча ва Терек жанглари икки ҳукмдор рақобатидан кўра кенгрок – Евроосиёнинг кейинги сиёсий қиёфасига таъсир қўсратган воқеалар сифатида баҳоланади.

Өлтин Ўрданинг заифлашуви, рус князликларининг сиёсий имкониятлари кенгайиши ва Шарқий Европада янги қучлар нисбати шаклланиши Амир Темури юришларининг бевосита ҳамда бевосита оқибатлари билан боғланади. Муаллиф айрим рус ва ғарб тарихшунослигида учрайдиган европацентристик баҳоларни танқид

Ўзбекистон тарихининг энг улук ва аини пайтда энг мураккаб саҳифаларидан бири Соҳибқирон Амир Темури номи билан узвий боғлиқ. У барпо этган қудратли давлат, шакллантирган сиёсий тафаккур ва қолдирган улкан маънавий мерос ўтмишимизнинг ажралмас қисмига айланган. Амир Темури шахси ва фаолияти ҳақида асрлар давомида кўплаб солномалар, тарихий асарлар, илмий монографиялар, бадий китоблар ва публицистик тадқиқотлар яратилган. Бироқ буюк давлат арбобининг сиёсий даҳоси, давлатчилик концепцияси, Евроосиё миқёсидаги геосиёсий стратегияси, ҳокимият ва ахлоқ муносабатига доир қарашлари ҳамиша янги илмий изланишлар ва ёндашувларни тақозо этади. Профессор Тўлқин Алимардоновнинг “Амир Темури империяси” монографияси ана шу эҳтиёжга жавоб берувчи фундаментал илмий асар дейишимиз мумкин.

дий қўриб чиқади. Бироқ уларни шунчаки рад этиш билан чекланмайди. Манбалар ва тарихий шароит асосида муқобил хулосаларни илгари суради. “Амир Темури феномени рус тадқиқотчилари талқинида” қисмида турли даврларда берилган баҳоларнинг мафкуравий манбалари, кучли ва заиф томонлари очиб берилиши китобнинг илмий қийматини янада оширган.

Хиндистон юриши масаласи ҳам бирёклама оқланмайди ёки инкор этилмайди. Муаллиф ушбу асарда Дехли султонлигидаги ички таназзул, сиёсий парокандалик, чегара ҳудудларидаги хавф, диний ва иқтисодий омиллар, шунингдек, юришининг оғир оқибатларини биргаликда таҳлил қилади. Монографияда Соҳибқирон фақат ғолиб ва бунёдкор сифатида мадҳ этилмайди; урушларнинг шафқатсиз мантиғи, вайронагарчилик ва ўша давр сиёсий ахлоқининг зиддиятлари ҳам муҳокама қилинади. Бу ҳолислик асарнинг энг муҳим устунилигидир.

Амир Темури ва Боязид Йилдирим ўртасидаги муносабатлар, Анқара жанги ва Европа давлатларининг бу воқеаларга муносабати жонли баён этилгани аҳамиятга молик. Мактублар, элчилик алоқалари ва сиёсий манфаатлар таҳлили Соҳибқироннинг халқаро сиёсатда ҳал қилувчи иштирокчи бўлганини аниглайди. Франция, Кастилия ва бошқа Европа саройлари билан алоқалар, Клавихо кузатувлари ҳамда савдо-дипломатия масалалари давлатнинг очик ташқи сиёсатини далиллайди. Муаллиф Амир Темури Евроосиёни сиёсий, савдо ва маданий манфаатлар туташган ягона макон сифатида кўра олганини асослайди.

Хитойга режалаштирилган сўнги юриш Соҳибқирон геосиёсий стратегиясининг охириги босқичи сифатида талқин қилинади. Буюк Ипақ йўли хавфсизлиги, Мин сулоласи билан муносабатлар, савдо оқимлари ва минтақавий нуфуз масалалари бу режанинг қўламини очади. Шу тариқа биринчи боб XIV–XV асрлар Евроосиё сиёсий тизимининг яхлит илмий манзарасини яратди.

Монографиянинг иккинчи боби Амир Темури давлатчилик концепциясини очишга бағишланган ва асарнинг темиршунослигидаги ўзига хослигини яққол намоён этади. Кўплаб асарларда Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари ва шахсий жасорати биринчи ўринга чиқарилган бўлса, Тўлқин Алимардонов уни давлат қурган, бошқарув институтларини шакллантирган, изматчилар ва коллати ва масъулиятини белгиланган, қонун, дин, ахлоқ ва сиёсат ўртасида мувозанат ўрнатган буюк ташкилотчи сифатида гадалантиради.

“Темури тузуқлари”даги ғоялар замонавий давлатшунослик ва сиёсат фалсафаси тушунчалари билан қиёсий талқин этилган.

Давлат бошқарувидаги ўн икки тоғма таҳлили турли ижтимоий қўламли ҳокимият тизимида жалб этиш механизминини очади. Саййидлар, уламолар, амирлар, сипоҳийлар, деҳқонлар, хунармандлар ва савдогарларнинг давлат ҳаётидаги ўрни белгиланиши бошқаруvingнинг фақат ҳарбий қучга эмас, ижтимоий таянчлар мувозанатида асосланганини кўрсатади. Вазирлар мақоми таҳлилда ақл-фаросат, халқ аҳолидан хабардорлик, ташаббус ва адолат каби талаблар очилади. Лавозим имтиёз эмас, масъулият экани асарнинг замонавий аҳамиятини ҳам кучайтиради.

Кенгаш ва машварат масаласи монографияда сиёсий барқарорлиқнинг асосий омилли сифатида талқин этилган. Соҳибқирон қатъий ирода соҳиби бўлиши билан бирга, қарор қабул қилишда тажрибали амирлар, олимлар ва маслаҳатчилар фикрига таянган. Кенгаш қарорини заифлаштирувчи эмас, аксинча, унинг пухталиги ва ижросини таъминловчи институт бўлган.

Яқдиллик, сўзда собитлик, сабр, хушёрлик, эҳтиёткорлик ва қатъият сиёсий қарорнинг ахлоқий ҳамда амалий асосини ташкил этган.



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

марказий бошқаруvingнинг сусайиши, иқтисодий алоқаларнинг узилиши ва ташқи-ички қучлар мувозанатининг бузилиши билан изоҳлайди.

Муаллифнинг муҳим хулосаси шундаки, империялар ташқи зарбадан олдин ички таянчларининг емирлиши туфайли заифлашади. Бу тарихий хулоса ҳар қандай замонавий давлат учун ҳам катта сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга.

“Ҳукмдорнинг буюк сиймоси” қисмида Амир Темури шахсиятининг руҳий, ахлоқий ва интеллектуал қирралари умумлаштирилади. Муаллиф уни нуқсонсиз идеал образга айлантирмай, қатъият ва мурувват, жазо ва кеҳирим, қуч ва адолат, шахсий ирода ва жамоавий маслаҳат ўртасидаги мувозанатини очади. Фавқулодда хотира, инсонларни таниш, вазиятни олдиндан кўриш ва муносиб кадрларни жой-жойига қўя билиш унинг давлат арбоби сифатидаги феноменини белгилангани кўрсатилади.

Монографиянинг Амир Темури ҳақида яратилган аввалги китоблардан фарқи, энг аввало, унинг тадқиқот предмети ва илмий мезониде кўринади.

Шу маънода китобда Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Ибн Халдун Ибн Арабшох, В. Бартольд, А. Якубовский ва бошқа рус шарқшунослари, Иброҳим Мўминов, Бўрибой Аҳмедов, Убайдулла Уватов, Пиримкул Қодиров, Акмал Саидов, Баҳриддин Усмонов, Шохиста Ўлжаева ва бошқа кўплаб олим ҳамда адибларнинг Амир Темури ҳаёти, фаолияти ҳақидаги мулоҳазалари жиддий таҳлил қилинган. Тўлқин Алимардонов мазкур бой меросни умумлаштириб, турли йўналишлардаги натижаларни ягона концептуал тизимга бирлаштирган. Шу боис монография аввалги тадқиқотларни янги назарий босқичда давом эттирувчи ва ўзаро боғловчи асарга айланган.

Ғарб олимлари Люсен Керен, Жан-Поль Ру, Беатрис Манц, Жастин Мароцци ва бошқалар асарларнда Амир Темури кўпчида буюк фотиҳ, сўнги кўчманчи жаҳонгир ёки улкан ҳарбий истеъдод соҳиби сифатида талқин қилинади. Ушбу китобларда бой фактлар ва жонли баён мавжуд бўлса-да, асосий эътибор кўпчида урушлар ва шахсий драматизмга қаратилади. “Амир Темури империяси”да эса марказий масала забт этилган ҳудудлар қўлами эмас, балки уларни бирлаштирган сиёсий ғоя, давлат тартиботи, адолат мезони, бошқарув технологияси ва цивилизациявий натижадир. Муаллиф Амир Темури дунёни эгаллаган инсондан кўра, тартибсиз дунёда янги сиёсий тартиб яратган давлат арбоби сифатида талқин этади. Асарнинг энг таъсирчан фарқи айнан шунда намоён бўлади.

Монографиянинг яна бир янгилиги – юксалиш, бошқарув, ҳарбий қудрат ва инқирозни бир бутун тарихий цикл сифатида ўрганиши. Аввалги кўплаб китобларда таржимаи ҳол, жанглар, дипломатия ёки меъморчилик алоҳида йўналишларда тадқиқ этилган бўлса, Тўлқин Алимардонов “Турон ғояси – геосиёсий стратегия – давлатчилик концепцияси – ҳарбий тизим – бунёдкорлик – ворисийлик – инқироз сабоқлари” занжирини яратди. Ўқувчи шу занжир орқали империя қандай пайдо бўлгани, нималар ҳисобига қудратга эришгани, қандай бошқарилгани ва нима сабабдан заифлашганини яхлит ҳолда аниглайди.

Худудлардан хабарлар

Партиядошимиз “Меҳнат фахрийси” бўлди

Инсоннинг фидокорона меҳнати ҳамиша юксак кадрга муносиб. Давлат раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони ана шундай юксак эътирофнинг ҳаётимиздаги ёрқин ифодасидир. Фарғона шахридаги Тантаналар уйида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан тадбир ўтказилди.

Унда юрт равнақи, жамиятимиз ривожини йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ва ҳозир ҳам жамоатчилик ишларида, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда намуна бўлаётган юртдошларимизнинг бир гуруҳига “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони топширилди.

Эътиборлиси, мукофот соҳиблари орасида “Адолат” СДП Бувайда тумани кенгаши раиси, эл орасида “Адолатчи отахон” номи билан ҳурмат қозонган Хайрулла Турғунов ҳам бор. У 15 йилдан зиёд вақт давомида партия тизимида меҳнат қилиб келмоқда. Хайрулла Турғунов ташаббуси билан туманда 33 та бошланғич партия ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиб, 5 830 нафардан ортик фуқаро партия сафига бирлашган.



Аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, партия ғояларини ёйиш ва “Adolat” газетасининг мунтазам мутлолақ қилинишини таъминлашда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Партияимиз фаоллари жонқуяр сафдошимизни мукофот билан муборакбод этади ҳамда келгуси ижтимоий ва сиёсий фаолиятида янги зафарлар тилайди.

Фарғона вилояти кенгаши матбуот хизмати

Гиёҳвандлик – умр заволи

Бугунги шиддатли даврда жамиятимиз келажигига раҳна солаётган, инсон саломатлиги ва маънавиятига таҳдид солувчи энг оғир иллатлардан бири – гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласидир. Ушбу иллатга қарши муросасиз курашиш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида профилактика ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Жондор туман Маданият бўлимида “Ҳаётни танла” шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда партиянинг Жондор туман кенгаши раиси Раҳима Рўзиева, хотин-қизлар фаоли Саида Исломова, маданият бўлими вакиллари Лола Эргашева, Сардор Ғадоев ўз маърузалари билан иштирок этишди. Учрашувда оилалар тинчлиги, ёшлар маънавияти ҳамда уларни турли зарарли одатлар таъсиридан асраш масалалари қизгин муҳокама қилинди.

Раҳима Рўзиева ўз сўзида “Гиёҳвандлик – шунчаки бир инсоннинг фожиаси эмас, балки оила, жамият ва келажак учун катта хавфдир. Бугун биз ушбу шиорини бежизга бош мезон қилиб олмадик. Зеро, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти, саломатлиги ва келажagini тўғри танлаши жамиятимиз мустақамлигининг қафолатидир”, дея таъкидлади.

Саида Исломова оилаларда хотин-қизларнинг ўрни ва фарзанд тарбиясидаги масъулияти ҳақида гапириб, оналар ва аёлларнинг ҳушёрлиги гиёҳвандликка қарши қалқон бўлишига эътибор қаратди. Лола Эргашева ҳамда Сардор Ғадоев эса маданият ва санъат ҳодимлари сифатида тушунтириш ишларини маданий-маърифий тадбирлар, театр ва саҳна кўринишлари орқали таъсирчан усулда етказиш таклифини илгари суришди.

Бухоро вилояти кенгаши матбуот хизмати

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Гулрух Агамовага волидаи мухтарамаси

Насибхон ая МАДРАХИМОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Тошкент давлат юридик университетининг мақсадли капитал (Endowment Fund) жамоат фондининг 2025 йил бўйича фаолияти юзасидан ҲИСОБОТ

Тошкент давлат юридик университети мақсадли капитал (Endowment Fund) жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПП–5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мувофиқ ташкил этилган.

Фонд жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни қўлайдиган, аъзолиги бўлмаган ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат фонди бўлган нодавлат нотижорат ташкилотдир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатга олинган, рўйхат рақами 983. Фонднинг доимий фаолият юритувчи раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): 100047, Тошкент шаҳар, Юнус-обод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

Фонд ўз фаолиятини ошкоралик, коллегиялик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик тамойиллари асосида юритади.

Фонд фаолиятининг асосий мақсади Тошкент давлат юридик университетининг ходимлари ва талабаларини дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ҳамда халқаро ташкилотларида малака ошириши ва таълим олишини, стажировка ўташини ташкил этиш, турли грантлар ажратиш, талаба ва ходимларни ҳар томонлама моддий рағбатлантириш, эҳтиёжманд ҳамда иқтидорли талаба ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш орқали кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қўмаклашишдан иборат.

Ташкилий тузилма

Бошқарув Кенгаши Фонднинг ижро органи ҳисобланиб, беш нафар аъзоларидан, шу жумладан, Бошқарув раисидан иборат. Фонд фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Фонднинг Васийлик кенгаши сайланган. Фонднинг молиявий фаолиятини ҳамда унинг пул маблағлари тўғрисида сарф-лаштириш ва мол-мулкдан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш учун уч кишидан иборат таркибда Фонд тафтиш комиссияси тuzилган.

2025 йилда ходимлар сони 7 нафарни ташкил этди, шундан 5 нафари ташқи ўриндошлар ҳисобланади.

Молиявий фаолият

Жамғарманинг 2025 йил учун мақсадли харажатлари 984550870,7 сўмни ташкил этди.

жумладан:
иш ҳақи тўловлари – 188299416 сўм;
талабаларнинг RGCERT курсида ўқиши учун – 304859520 сўм;
талабаларга мукофотлар – 140318000 сўм;
давлат мақсадли жамғармаларига ижтимоий солиқ – 22595929,92 сўм;
талабаларнинг хизмат сафари харажатлари – 17766147,00 сўм;
мақсадли тадбирларни ўтказиш харажатлари – 295705350,00 сўм;

ийлик молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказиш хизматлари учун харажатлар – 4000000 сўм;
жамғарма фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни нашр этиш харажатлари – 1734000 сўм;
банк хизматлари учун харажатлар – 3696833.32 сўм;
бошқа харажатлар – 5575674.50 сўм.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонунига қўра, “Endowment Fund” мақсадли капитал жамоат фонди 2024 йил июлдан бошлаб асосий фаолияти билан бир қаторда устав мақсадларига мос келадиган чакана савдо кўринишидаги тадбиркорлик фаолиятини ҳам амалга оширади. Солиқ солиш мақсадида даромадлар ва харажатларнинг алоҳида ҳисоби юритилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.

2025 йилда товарларни сотишдан олинган соф тушум – 214445769 сўмни ташкил этди;
Сотиш суммасидан мукофот тарзидаги даромад – 55370480 сўмни ташкил этди;

Фоиз кўринишидаги даромад – 5533150 сўмни ташкил этди.
давлат мақсадли жамғармаларига ижтимоий солиқ – 36932529 сўмни ташкил этди.

Тадбиркорлик фаолияти харажатлари куйидагилардан иборат бўлди:

асосий воситаларни сотиб олиш – 2000000 сўм;
асосий воситалар амортизацияси – 3591285.84 сўм;
сотишдан товарларнинг таннархи – 159075290 сўм;
меҳнатга ҳақ тўлаш фонди – 307771075 сўм,
давлат мақсадли жамғармаларига ижтимоий солиқ – 36932529 сўмни ташкил этди.
банк хизматлари харажатлари – 2650045 сўм.

Reklama huquqi asosida

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 701

Адади – 4 006
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Суратлар СИ Ёрдамиде ишланган



Аччиқ, аммо очиқ гаплар



“ЎЗИ КЎЗИНИ СУЗГАН-ДА...”

“Тошкентда аёлни иштонсиз қувган эркакка суд ҳукми чиқди”, “Шилқим эркак 5 суткага маъмурий қамоққа олинди”, “Метродаги шилқим тиктоқчи”лар 5 суткага қамалди”, “Тошкент метросида йигит аёлга уятсиз қилиқ қилди”, “Ангренда 4 йигит 14 ёшли қизни зўрлади”, “Навоийда вояга етмаган қизни ўнга яқин киши зўрлади”, “Бухорода автобусдаги эркак тик турган аёлга номақбул ишора кўрсатди”... Ижтимоий тармоқлардаги кундалик хабарлар тасмаси, ОАВ материалларининг салмоқли қисми аллақачон криминал хроникага айланиб улгурди: метродаги шилқимликлар, кўчадаги таъқиблар, вояга етмаган қизларнинг гуруҳ бўлиб зўрланиши...

Сарвара ШУҲРАТОВА, “Ёш адолатчилар” қаноти фаоли, ЎЗЖОКУ талабаси

Қачонгача шилқимни эмас, ожизани айблаймиз?!

Ҳар гал шундай хабар тарқалганда, ижтимоий тармоқлар маълум даражада “портламоқда”. Бироқ бахс-мунозаралар марказига эътибор берсак, кўп ҳолда аёлни айбдор курсисига ўтказишади. “КўЧАГА НЕГА ЧИҚАДИ?”, “НИМА УЧУН БУНДАЙ ОЧИҚ КИЙИНГАН?”, “ЎЗИ ХАМ МОЙИЛЛИК БИЛДИРГАНДА” қабилдаги сафсаталар жиноятчининг масъулиятини ювиб кетаяди. Бундай воқеаларга безътибор бўлмаган кузатувчи сифатида мени турфа саволлар қийнайди: биз қачондан бери шилқим ёки зўравонни эмас, ожизани айблайдиган бешафқат оломонга айландик? Жазонинг енгиллигидан кимнинг эътиборини чирганимиз – бизни бу ҳоғга нима етаклапти?

Халқимизда қиз бола номусли, иффати оила учун энг олий қадрият, шаън-шараф рамзи ҳисобланади. Қиз фарзанд тарбиясида алоҳида эътибор берамиз, уни минг бери тийиқ ва таъқиқлар билан асраб-авайлашга уринамиз. Бу яхши, албатта. АММО НЕГА АЙНАН ШУ ЖАМИЯТДА ЎҒИЛ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ, УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА БИРОВНИНГ ҲАҚИГА, НОМУСИГА ҲУРМАТИ ҲАҚИДА ДЕЯРЛИ ГАПИРИЛМАЙДИ? Биз ўғил фарзанд ўстирар эканмиз, унга аёл кишини ҳурмат қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам чегарани биллиш, уят ва андиша эгаси бўлишни ургатялмизми? Афсуски, кўп ҳолларда йўқ.

Ўғил боланинг безорилигини “йигитчилик”ка, беҳаёлигини эса шунчаки “қизикқонлик”ка йўямиз. Натижада эса кўча-кўйда аёлларга тош отадиган, уларни таъқиб қилишни ўзига эркак деб биладиган тоифа шаклланипти. Энг ачинарлиси, жамиятдаги мана шу “эркакларга ҳамма нарса мумкин, аёл эса ҳамиша айбдор” деган иккиёклама стандартлар зўравон ва шилқимларга рухий далда бермоқда. Улар ўз қилимиши учун жамоатчилик аёлини айблайши, ўзлари эса сувдан қуруқ чиқишини ич-ичидан ҳис қилиб турадилар.

Натижада эса ҳар гал янги фожиа эълон қилинганда, қўллаб қизлар ва аёлларнинг ҳаёлидан бир савол ўтади: “БУ ҲОЛАТ ЭРТАГА МЕН БИЛАН ҲАМ СОДИР БЎЛМАЙДИМИ?” Бу кўчада юрганда орқасига ҳавотир билан қайрилиб қарашга мажбур бўлаётган минглаб ожизаларнинг оғриқли овозидир.

Жорий йил апрелда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистонда жинсий эркинликка қарши жиноятлар ва одам ўлимига сабаб бўладиган айрим ишларни тергов қилиш ваколатини прокуратура органларига ўтказиш бўйича қонун лойиҳасини қабул қилиб, Сенатга юборди. Мана шу мажлисда сўзга чиққан Бош прокурор биринчи ўринбосари Бахриддин Валиев аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик, айниқса, жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар сони хануз жуда юқорилигини аччиқ фактлар билан очиклади.

Унга қўра, **БИРГИНА 2025 йилнинг ўзида Ўзбекистонда**



Нега кеч қолдинг?” деб ҳисоб сўраймиз-у, унинг

хавфсизлигини таъминлаш ҳақида бош қотирмаймиз? Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган видеолар ва хабарлар муаммонинг фақат кўзга кўринган қисми, холос. Биз камерага тушгани, оммага маълум бўлганини ёки кимдир жасорат топиб айтиб берган воқеаларни кўраимиз. Аммо ҳеч қачонда эълон қилинмаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга етиб бормаган, йиллар давомида сукут ортида қолиб кетган ҳолатлар қанчалигини ҳеч ким аниқ айтмайдими.

221 НАФАР АЁЛГА НИСБАТАН ЗўРАВОНЛИК, 227 НАФАР 16 ЁШГА ТўЛМАГАН ШАХСЛАРГА (БОЛАЛАРГА) НИСБАТАН ЭСА ШАХСОНИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА ЖИНСИЙ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛГАН! Ушбу оғир вазиятларнинг келиб чиқиши ва зўравонларнинг жазодан қутулиб қолганлиги, жабрланувчиларнинг эса сарсон бўлаётгани беҳиз эмас. Бахриддин Валиев хотин-қизлар ва вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий эркинликка ҳамда ахлоққа қарши жиноятларни тергов қилишда қўллаб муаммолар, камчиликлар ва ҳатто қонун бузилиши ҳолатлари учураётганини таъкидлади: “Жино-

ятни фош этишнинг энг муҳим бўлган босқичи – воқеа жойини кўздан кечириш. Аёлнинг ёки қизнинг номуслига тажовуз қилинганда биринчи бўладиган иш воқеа жойини кўздан кечиришдир. МАНА, ҳуқуқшунослар ўтирибди, менинг гапларимни тезда илғаб оляпти. Мен ўйлайманки, қолганлар ҳам илғайди. Мана ҳозир бонг уриб келяпмиз, профилактика инспекторларининг кўплари юридик маълумотга эга эмас [деб], уларнинг улуши 30 фоизга ҳам етмаяпти-да. Бир йил бўлдики, бунинг терговчиларга ўтказдик, воқеа жойига чиқаяпти...”

Мутасаддининг бу гаплари жамиятимизда узоқ йиллардан бери сукут сақлаб келинган даҳшатли бир ҳақиқатни кўрсатди: непрофессионал ёндашув, юридик билимсизлик ва бефарқлик туфайли қанчадан-қанча жиноят излари ўз вақтида йўқотилган, қанчалаб зўравонлар далиллар етарли бўлмагани учун сувдан қуруқ чиқиб кетган ва қанчадан-қанча қизларнинг тақдири совуққон терговлар остида эзилган! Аслида, адолат тамойиллари бузилган жойда кўрқув ҳукмронлик қилади.

Нега қонунни бузган шахс эмас, қонун ҳимоя қилиши лозим бўлган инсон ўзини оқлашга мажбур бўлмоқда? Нега кечки пайт ишдан ёки ўқишдан қайтаётган қиздан “Нега кеч қолдинг?” деб ҳисоб сўраймиз-у, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақида бош қотирмаймиз? Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган видеолар ва хабарлар муаммонинг фақат кўзга кўринган қисми, холос. Биз камерага тушгани, оммага маълум бўлганини ёки кимдир жасорат топиб айтиб берган воқеаларни кўраимиз. Аммо ҳеч қачонда эълон қилинмаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга етиб бормаган, йиллар давомида сукут ортида қолиб кетган ҳолатлар қанчалигини ҳеч ким аниқ айтмайдими.

Мана шу мажбурий сукут ва руҳий жароҳатлар аёлларни тириклайин адо қилади. Кечагина орзулар билан яшаган қиз бир лаҳзаллик жиноят қурбони бўлган, ҳар гал кўзга қараганда ўзидан нафратлана бошлайди: “МЕН ЖИРКАНЧГА АЙЛАНДИМИ?”, “КЕЛАЖАГИМ НИМА БЎЛАДИ, КИМ МЕНИ КЕЛИН ҚИЛАДИ?” деган саволлар уни ич-ичидан кемиради. Бу оғир

психологик босим, ёлғизлик ва умидсизлик айрим оғир ҳолатларни энг ҳалокатли қарорлар – ўз жонига қасд қилиш чоғига етаклайди. Биргина ҳуқуқбузарнинг нафси ва шафқатсиз ҳаракати нафақат бир қизнинг тақдири, балки уни йиллар давомида авайлаб, меҳр билан улғайтирган бутун бир оиланинг орзулари, ҳаётини чил-чил синдиради.

Одатда бундай жиноятчилар ушланганда “маст эдим”, “ўзимни бошқара олмадим”, “бир лаҳзаллик хато эди”, “ўз сўрайман” дея сувдан қуруқ чиқишга уринади. Суд ҳукми чиқади, айбдор маълум муддатга озодликдан маҳрум этилади. Жазо муддати тугайди, у ҳаётини давом эттиради ва айрим ҳолларда яна ўша ишнинг такрорлайди. Мана шу ерда энг оғриқли, энг аламли савол туғилади: **НЕГА БИР ҚИЗНИНГ, БУТУН БИР ОИЛАНING ҲАЁТИНИ БАРБОД ҚИЛАДИГАН БУНДАЙ ОҒИР ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТИЗИМИМИЗ БУНЧАЛИК ЕНГИЛ?**

НАХОТКИ ИНСОН ТАҚДИРИНИ КУЙДИРИБ ЮБОРИШ, УНИНГ НОМУСИНИ ТОПТАШНИНГ БАҲОСИ БИР НЕЧА СУТКА МАЪМУРИЙ ҚАМОҚ ЁКИ РАМЗИЙ ҲАҲОЛАТ БИЛАН ЎЛЧАНСА? НАХОТКИ БУНИ ИШЛАБ ЧИҚАЁТГАН, УЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТАЁТГАН МУТАСАДДИЛАРНИНГ ҚИЗИ, СИНГЛИСИ ЁКИ АЁЛИ БЎЛМАСА? БУНДАЙ АЯНЧЛИ ТАҚДИР СИНОВИ ВА ОҒИР ИЗТИРОБ БИР КУН КЕЛИБ УЛАРНИНГ ҲАМ БОШИГА ТУШИШИ МУМКИНЛИГИНИ НАХОТКИ ЎЙЛАБ КЎРМАСА?

Агар уларнинг ўз жигарбандларига шундай хавф таҳдид қилганда эди, жиноятчиларга бу қадар шафқат қилинмаган, қонун доирасида уларга қалқон изланмаган бўларди. Токи қонун чиқарувчилар ва мутасаддилар бу оғриқни ўз танасида ҳис қилгандек қатъият ва адолат билан ҳаракат қилмас экан, жиноятнинг жазоси ўзига яраша бўлмас экан, қизларимиз кўчаларда чирқираб, оилалар фожиа ичиде яшашда давом этверади.

Биз шундай адолатли жамият қуришимиз керакки, қизлар кўчага чиқишдан қўрқиб-хайиқишмасин, зўравонлар ва шилқимлар эса қонуннинг аёвсиз ва муқаррар кучини билгани-англагани учун ҳам бундай жижканч ишга қўл уришга асло ва асло журъат этишолмасин!

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
Кўрсаткичи: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чикка бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиков



Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.